

Риёзус солиҳийн / Риёзус солиҳийн / 698-ҳадис

(**中華人民共和國** **憲法** **序言** **第二條** **總則** **第十九條** **：公私財產** **不受侵犯** **：****國家** **（****國有**  
財產 $\rightarrow$  :**（****國有****財產****）** **歸** **國****。**

1. Абдуллоҳ ибн Умар розияллоҳу анхұмодан ривоят қилинади:

Умарнинг қизлари Ҳафса (Хунайс ибн Ҳузофа Саҳмий розияллоҳу анҳудан) тул қолган пайт Умар розияллоҳу анҳу шундай дедилар:

«Усмон ибн Афон розияллоху анхуга учрадим-да, унга Ҳафсани таклиф қилиб, «Хоҳласанг, Ҳафса бинт Умарни сенга никоҳлаб бераман», дедим. Усмон: «Бир ўйлаб кўрай-чи», деди. Бир неча кун кутиб турдим. Кейин у: «Бу кунда уйланмас эканман, шекилли», деди. Сўнг Абу Бакр Сиддиқ розияллоху анхуга учраб, «Хоҳласанг, Ҳафса бинт Умарни сенга никоҳлаб бераман», дедим. Абу Бакр розияллоху анху индамади, менга ҳеч қандай жавоб қайтармади. Усмондан ҳам кўра ундан аччиқландим. Яна бир неча кун кутиб турдим. Сўнг унга (Ҳафсага) Набий соллаллоху алайхи васаллам совчи қўйдилар, мен уни у зотга никоҳлаб бердим. Кейин Абу Бакр мени учратиб қолиб, «Менга Ҳафсани таклиф қилган пайтингда сенга жавоб қилмаганимда аччиқланган бўлсанг керак?» деди. «Ҳа», дедим. У: «Набий соллаллоху алайхи васаллам у ҳақда гап очганларини билганим учунгина таклифингга жавоб қайтармаган эдим. Бироқ Расулуллоҳ соллаллоху алайхи

vasallamning сирларини фош қила олмас эдим. Агар Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам тарк қилсалар, уни албатта қабул қилар эдим», деди».

*Имом Бухорий ривояти.*

---

Манба: [hadis.islom.uz](http://hadis.islom.uz)

